

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ХУКМ

2019 йил август ойининг 14 куни, жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар суди Қарши шаҳар “Махсимобод” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, судья Б.Имомовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Н.Ачиловнинг котиблигида, Қарши шаҳар прокурорининг ёрдамчиси А.Абдурахмонов, судланувчи Ш.Буриев ва унинг ҳимоячиси-адвокат Р.Маннонов, жабрланувчи М.Сатторованинг иштирокида, Буриев Шерзод Салимовичга нисбатан №1-1801-1803/292-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Буриев Шерзод Салимович (Buriyev Sherzod Salimovich) 1987 йил 19 май куни Қашқадарё вилояти Қарши туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали, 3 нафар фарзанди бор, Қарши шаҳар «Махсимобод» маҳалла фуқаролар йиғини, Бешгумбаз кўчаси 53-уйда яшайди, унга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида” тилхат қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2019 йил 31 июль куни олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 2-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг суддаги кўрсатувларини эшитиб, прокурор ва ҳимоячиларнинг музокара нутқларини тинглаб, иш бўйича тўпланган далилларни атрофлича ўрганиб, муҳокама қилиб қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Судланувчи Буриев Шерзод Салимович, 2019 йил 18 июнь куни соат 15:30 ларда Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро фуқаролик суди биносида турмиш ўртоғи Сатторова Малика Аширалиевна билан никоҳдан ажрашиш бўйича иш кўриб чиқиладиган вақтда, Ш.Буриев турмуш ўртоғи М.Сатторова билан ўрталарида олдиндан бўлиб келадиган оилавий келишмовчиликлар сабабли, шу жойда иккаласи ўзаро тортишиб, жанжаллашиб қолишганида, Ш.Буриев турмуш ўртоғи М.Сатторовага нисбатан қасдан тан жароҳати етказиш мақсадида қўлларини мушти билан унинг бош соҳаси, чап ва ўнг елка соҳаси ҳамда қорин соҳасини чан ёнбош қисмига бир неча мартаба уриб, М.Сатторованинг баданига соғлиқни қисқа вақт, яъни 6 кундан ортиқ аммо 21 кундан кўп бўлмаган ёмонлашувига олиб келган энгил тан жароҳати етказган.

Суд-тиббий экспертizasининг 2019 йил 04 июль куни берган №1514/9-Хуж/Банд-сони хулосасида М.Сатторованинг тан-жароҳатлари калла миянинг ёпиқ шикастланиши, бош мия чайқалиши, чапдан бошнинг

тепа энса соҳасида қонталаши, чап тарандан қорининг ёнбош соҳасида, чап елкани ўрта олдинги юзасида, ўнг елканинг пастки олдинги юзасида қонталаш кўринишидаги, олган тан жароҳатини оғирлик даражаси бўйича соғлиғини қисқа қисқа вақт, яъни 6 кундан ортиқ аммо 21 кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига олиб келган енгил тан шикасти гуруҳига киришлигига кўрсатиб ўтилган.

Судланган Ш.Буриев судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2009 йил 30 октябрь куни Қарши шаҳар “Хўжахаёл” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи М.Сатторова билан қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қурганини, ҳозирги кунга қадар ўрталарида 3 нафар фарзандлари борлигини, турмуш ўртоғим М.Сатторова билан турмуш қурганидан сўнг, М.Сатторова охирги вақтларда бегона эркаклар билан гаплашиб, унга хиёнат қилаётганлигини сезиб, М.Сатторова билан келишолмай қолганини, турмуш ўртоғини телефон апаратыга, овозни ёзиб оладиган дастурни интернет тармоғидан юклаб олганлигини, Муморак туманига ишга кетган вақтларда, турмуш ўртоғи бегона эркаклар билан гаплашиб юрганлигини, қайтиб келиб аудио ёзувларни эшитиб кўргандан кейин билганлигини, бу аудио ёзувларни судга ҳам тақдим этишини, 2017 йил турмуш ўроғи М.Сатторова фарзандларини олиб, ота-онасини уйига кетиб қолганини, чунки у турмуш ўртоғи М.Сатторова билан бирга яшашни хоҳламаганини, М.Сатторова унга хиёнат қилиб, бошқа эркаклар билан гаплашиб юрганига чидай олмасдан, у М.Сатторова билан ажрашиш мақсадида Фуқаролик судига ариза билан мурожаат қилганини лекин турмуш ўртоғи унга хиёнат қилган бўлса-да, М.Сатторова фуқаролик судига бориб, у билан ажрашмасдан, шу кунга қадар уни сарсон қилиб келаётганини, Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судига турмуш ўртоғи М.Сатторова билан ажрашиш учун мурожаат қилганлиги сабабли 2019 йил 18 июнь куни Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судида у ва турмуш ўртоғи М.Сатторовани ажрашиш иши белгиланганлиги сабабли, шу куни Фуқаролик судига борганида, Фуқаролик судида турмуш ўртоғи М.Сатторова ҳам бир бегона эркак кишини “Нексия” русумли машинасида келиб, М.Сатторова ёнидаги бегона эркак билан гўёки ер-хотин сифатида келиб, уни машинасидан тушиб қолиб, уни жаҳлини чиқарганини, уларни ишини кўраётган судья Л.Мухаммадиева иш ҳужжатлари билан танишиб чиқиб уларда уч нафар фарзанди борлигини инобатга олиб, яраштириш мақсадида икки ой муҳлат берганини, шунда у турмуш ўртоғи М.Сатторова суд биносига бегона эркак билан келганлиги ва уч нафар фарзандларига хиёнат қилиб юрганлиги ва М.Сатторова суд залида ҳам уни асабини бузганлиги учун жаҳли чиқиб кетиб, суд биноси ичида турмуш ўртоғи М.Сатторовани боши ва бошқа жойларига уриб юборганини, шундан сўнг уни кўриқлаш хизмати ходимлари келиб ажратиб қўйишганини, шундан сўнг у суд биносидан чиқиб кетганини, шу куни жаҳл устида турмуш ўртоғи М.Сатторова қўли билан уриб юборганини, шу куни суд залида судья ёки бошқаларга қаршилик ҳам қилмаганини, турмуш ўртоғи М.Сатторовани бошига ва

биқин соҳаларига уриб тан жароҳати етказганини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини билдириб, суддан ўзига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи М.Сатторова судда, 2009 йил 30 октябрь ойида Қарши шаҳар “Махсумобод” маҳалла фуқаролар йиғини Бешгумбаз кўчаси 1-уйда яшовчи Ш.Буриев билан қонуний никоҳдан ўтганини, 2017-йил 2-сентябрь ойига қадар бирга яшаб келганини лекин 2017 йил сентябрь ойида оилавий келишмовчиликлар сабабли уч нафар фарзанди билан ота-онасининг уйига яъни Қарши шаҳар “Хужахиёл” маҳалла фуқаролар йиғини Қўрғон кўчаси 53-уйда яшаб келаётганини, 2019 йил 18 июнь куни соат тахминан 10:30ларда Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судига турмуш ўртоғи Ш.Буриевнинг никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан қариндоши Қарши тумани “Кучкак” қишлоғида яшовчи Б.Хайитбоев билан биргаликда борганини, Б.Хайитбоев уни Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро суди биноси олдида “Нексия” русумли автомашинасида тушириб ўз ишларини бажариш мақсадида кетганини, шундан сўнг соат 11-00да Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро суд биносида очик суд мажлиси бўлиб ўтаётганда, уларни ишини кўраётган судья Л.Мухаммедова иш ҳужжатлари билан танишиб, уларни уч нафар фарзанди борлигини инобатга олиб, яраштириш мақсадида икки ой муҳлат берганини, шунда турмуш ўртоғи Ш.Буриев унга “сени ҳозир Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро суди биносига жазманларинг ташлаб кетди” деб уни қутилмаганда уриб тан жароҳати етказганини, шу пайт у бир оз вақт хушини йўқотиб, нима бўлаётганини англолмай қолиб, ўзига келиб қараса уни кўриқлаш хизмати ходимлари ва судья ёрдамчиси ажратаётганини кўрганини, шундан сўнг у ўзига келиб дадасига телефон қилиб воқеани айтганини, орадан бироз вақт ўтиб дадаси А.Айназаров, онаси С.Айназарова ва қариндоши Б.Хайитбоевлар Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро суди биносига келиб, уни Қашқадарё вилояти тез тиббий ёрдам шифохонасига олиб боришиб, уни нейрохирургия бўлимига ётқизишганини, уни турмуш ўртоғи Ш.Буриев боши, қорни ва биқин соҳаларига уриб тан жароҳати етказганини, судланувчи Ш.Буриевга даъвоси борлигини, Ш.Буриев томонидан унга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириб беришни, Ш.Буриевга нисбатан қонуний чора кўришни сўради.

Гувоҳ А.Айназаров судда, қизи М.Сатторова 2009 йил 30 октябрь ойида Қарши шаҳар “Махсумобод” маҳалла фуқаролар йиғини Бешгумбаз кўчаси 1-уйда яшовчи Ш.Бўриев билан қонуний никоҳдан ўтиб, 2017 йил 2 сентябрь ойига қадар бирга яшаб келиб лекин 2017 йил сентябрь ойига келиб оилавий келишмовчиликлар сабабли уч нафар фарзанди билан уни уйига яъни Қарши шаҳар “Хўжахиёл” маҳалла фуқаролар йиғини Қўрғон кўчаси 53-уйда яшаб келаётганини, 2019 йил 18 июнь куни соат 10-30ларда Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судига қизи М.Сатторова турмуш ўртоғи Ш.Бўриев никоҳини бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаси

юзасидан қариндоши Қарши тумани Кучкак қишлоғида яшовчи Б.Хайитбоев билан бирга борганини, қариндоши Б.Хайитбоев қизи М.Сатторовани Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро суди биноси олдиға “Нексия” русумли автомашинасида тушириб ўз ишларини қилиш мақсадида кетганлигини эшитганини, шундан сўнг соат 11-00ларда Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро суди биносида очиқ суд мажлиси бўлиб ўтаётганида, қизи М.Сатторовани ишини кўраётган судья Л.Мухаммадиева иш ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, қизини уч нафар фарзанди борлигини инобатга олиб, яраштириш мақсадида икки ой муҳлат берганини, шунда қизи М.Сатторова турмуш ўртоғи Ш.Буриев “сени ҳозир Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро суд биносига жазманларинг ташлаб кетди” деб кутилмаганда ҳар-хил сўзлар билан ҳақоратлаб, қўл ва оёқлари билан ҳамма жойига уриб тан жароҳати етказганини, шу пайт М.Сатторова ўзини йўқотиб, нима бўлаётганини англаёлмай қолганини, ўзига келиб қараса қизи М.Сатторова кўриқлаш хизмати ходимлари ва судья ёрдамчиси ажратаётганини билганини, шундан сўнг қизи М.Сатторова унга телефон қилиб бўлган воқеани айтганида, шу вақт у оила аъзолари билан биргаликда ўтирганини, у дарҳол қариндоши Б.Хайитбоевга телефон қилиб уни олиб кетишини айтиб, турмуш ўртоғи билан бирга Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро суди биносига келганини, у суд биносига кириб қизи М.Сатторовани олиб Қашқадарё вилоят тез тиббий шифохонасиға олиб бориб, саломатлиги яхши бўлмаганлиги сабабли нейрохирургия бўлимиға ётқизганини, у жанжал вақтида Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро суди биносида эмаслигини, жанжал вақтида у оила аъзолари билан бирга уйда бўлганлигини баён қилди.

Бундан ташқари, судланувчи Ш.Буриевнинг айби ариза, далолатнома, экспертиза хулосаси, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топади.

Суд дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ш.Буриевга кўйилган айб квалификациясини муҳокама қилиб, унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ш.Буриевга жазо тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқдорлиги ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, жабрланувчининг ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этганлигини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, ҳаракатида жазосини оғирлаштирувчи ҳолат йўқ деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори тушунтиришларидан келиб чиқиб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми санкцияси доирасида жиноят содир қилинган вақтда амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда жарима жазоси тайинлашни,

жаримани давлат даромади ҳисобига ундиришни, эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни лозим топди.

Жабрланувчи моддий зарарларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаганлиги сабабли, етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш борасида келгусида фуқаролик судлови тартибида ҳал этишлари мумкинлигини жабрланувчига тушунтиришни лозим топди.

Юқорида баён қилинганларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 458, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига қўлланиб, суд -,

ҳ у к м қ и л д и :

Судланувчи **Буриев Шерзод Салимович** (Buriyev Sherzod Salimovich) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Буриев Шерзод Салимовичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баравари миқдорида 5.068.250 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат даромади ҳисобига ундирилсин.

Ш.Буриевнинг эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчи М.Сатторовага ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида асословчи ҳужжатларни тақдим қилган ҳолда, келгусида фуқаролик судлов тартибида даъво қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ушбу ҳукмдан норози томонлар, ҳукм эълон қилинган кундан, маҳкум ва жабрланувчи ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судига ўн кунлик муддат ичида апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят қилишга, прокурор протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

Б.Имомов